

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Туризмни

Ривожлантириш давлат қўмитаси

раиси В.В.б.



А.У.АҚКУЛОВ

2019 йил 23

август

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг коррупцияга қарши кураш бўйича
ИДОРАВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Тадбирнинг номи	Бажариш мuddати	Масъул бажарувчилар
1.	<p>I. Коррупцияга қарши таъшилий-хуқуқий механизмларни тақомиллаштириш</p> <p>Норматив-хуқуқий хужжатларни, шу жумладан, идоравий хужжатларни тақомиллаштириш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи тақлифлар ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none">- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни миллий ва халқаро хуқуқий хужжатларга мос қайта ишлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;- маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиб бориш, рўйхатга олинадиган, бартараф қилинадиган ва бошқа бажариладиган иш тартибларини тезкорлигини ошириш ва соддалаштириш;- тадбиркорлик субъектлари ва идоралари ўртасидаги алоқаларни масофадан туриб бошқариш усулларини тадбиқ этиш.	2019 йил октябрь доимий доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова) Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш ва хизматларни монетизациялашни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Газиёв)

2.	<p>Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнларини доимий такомиллаштириб бориш, ушбу жараёнларда давлат хизматлари фойдаланувчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, инсон омилини камайтириш.</p>	<p>доимий</p>	<p>Худудий департамент ва бошқармалар Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш ва хизматларни монетизациялашни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Газиёв)</p>
3.	<p>Вақти-вақти билан белгиланган вазифа ва функцияларни (ваколатлар) амалга оширишда юзага келадиган коррупцион хавф-хатарларларни мажбурий баҳолаш ишларини ўтказиш, натижаси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - давлат хизматчиларининг лавозимлари ва фаолият турлари, шунингдек, уларнинг ваколатларини ҳисобга олиб, айниқса, коррупциявий хавф-хатарларга дучор бўлган лавозимлар ва фаолият турлари рўйхатини шакллантириш; - коррупциявий хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш; - коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этишга имкон яратувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш. 	<p>хар йили</p>	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>
4.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижаларини ҳар чоракда умумлаштириш.</p>	<p>хар чоракда</p>	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>
5.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ва улар томонидан берилган таклифлар ва эътирозларни ҳисобга олиш мақсадида Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими (www. regulation.gov.uz)га норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жойлаштириш.</p>	<p>доимий</p>	<p>Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими (А.Рахимов) Барча бошқарма ва бўлимлар</p>
6.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига юбориш.</p>	<p>доимий</p>	<p>Барча бошқарма ва бўлимлар</p>
7.	<p>Коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - коррупцияга қарши курашишда “комплаенс назорати” (compliance control) тизимини жорий этиш; 	<p>2019 йил август-декабрь доимий</p>	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>

	<p>- жорий этилган “комплаенс назорати” (compliance control) тизими самарадорлиги мониторингини ўтказиш.</p>		<p>Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш ва хизматларни монетизациялашни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Газиёв)</p> <p>Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш, ижро интизоми ва девонхона назорати бошқармаси (А.Матсапаев)</p>
8.	<p>Фуқаролар ва юридик шахс вакиллари томонидан коррупция хақида хабар бериш механизмларини такомиллаштириш, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - коррупция ҳолатлари ва бунга сабаб бўлган омиллар, юзага келтирган шариотларга оид хабарларни таъминловчи “ишонч телефонлари”, виртуал кабулхоналар ва бошқа ахборот узатиш каналлари фаолиятини ташкил этиш; - жамият билан мулоқот сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; - ишонч телефонлари ва Call-centre (“ишонч телефони”)лар фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш; - фуқаролар ва юридик шахс вакиллари билан коррупциявий ҳолатлари бўйича ҳамда ходимларнинг бошқа қонунга хилоф ишлари тўғрисидаги муурожаатлар таҳлилини ва ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг натижаларини ҳар чоракда одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида муҳокама қилиш ва умумлаштириш. 	<p>доимий</p> <p>доимий</p> <p>ҳар чоракда</p>	<p>Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш ва хизматларни монетизациялашни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Газиёв)</p> <p>Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш, ижро интизоми ва девонхона назорати бошқармаси (А.Матсапаев)</p> <p>Кадрлар бошқармаси (Г.Каримова)</p> <p>Қўмита одоб-ахлоқ комиссияси</p>
9.	<p>Маҳсулотлар харидида (иш, хизмат) коррупция ҳолатини пасайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан амалга оширилаётган савдонинг очиқлиги ва ҳар томонлама қулайлигини таъминлаш.</p>	<p>доимий</p>	<p>Қўмита харид комиссияси</p>
10.	<p>Ўзбекистоннинг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги 4-раунд мониторинги натижалари бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ташкилотининг тармоғи</p>	<p>2019 йил август-ноябрь</p>	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>

	тавсияларнинг идорага таалукли бандлари ижросини таъминлаш.		
II. Ахлоқий қоидаларга риоя қилиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар			
11.	Ишга биринчи марта қабул қилинаётган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш мақсадида йўл-йўриқларларни тушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, таъқиқлар, чекловлар, талаблар ва идоравий одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳиятини тушунтириш.	ишга кирган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмай	Кадрлар бошқармаси (Г.Каримова)
12.	<p>Коррупцияга нисбаган муросаз муносабатни шакллантириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш мавзулари бўйича семинар ва йиғилишлар ўтказиш, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - коррупцияга қарши курашиш мақсадида ходимлар томонидан белгиланган чекловлар ва таъқиқларга риоя қилиш, шунингдек уларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларини тўлақонли бажаришини таъминлаш; - ходимларни хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай моддий қийматга эга “ҳада”ларни берилишига ёки уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бошқа имтиёзлар тақлиф қилинишига нисбаган муросаз муносабатини шакллантириш; - ўз вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига олиб келишини инobatга олиб, шахсий манфаатдорлик юзага келиши ҳақида ҳисоб бериш мажбуриятини бажариш, шунингдек, бундай низони олдини олиш ёки ҳал қилиш учун чоралар кўриш. 	доимий	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p> <p>Кадрлар бошқармаси (Г.Каримова)</p> <p>Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш ва хизматларни монетизациялашни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Гаезев)</p>
13.	<p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимлар малакасини доимий ошириб бориш, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Қўмига ва унинг худудий тизимларига ишга қабул қилинганидан кейин мажбурий қисқа муддатли таълим курсларини ўқиш; - хизмат юзасидан юриш-туриш, одоб-ахлоқ қоидалар бўйича ўқитиб бориш, манфаатлар тўқнашувини тартибга 	ишга қабул қилинганидан кейин ҳар йили доимий	<p>Илмий тадқиқотлар ва таълим муассасалари билан ишлаш бошқармаси (А.Аллабергенов)</p> <p>Кадрлар бошқармаси (Г.Каримова)</p>

	<p>солиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тўғри йўналтириш;</p> <p>- Бош прокуратура Академиясида ҳар йили коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий координаторларнинг билим ва касбий кўникмаларини ошириш.</p>		
14.	<p>Тизимдаги ходимлар учун одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.</p>	2019 йил октябрь	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p> <p>Кадрлар бошқармаси (Г.Каримова)</p>
15.	<p>Қўмита одоб-ахлоқ комиссиясининг самарали фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, комиссия томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ва ходимларнинг манфаатлари тўқнашуви бўйича мониторинг олиб бориш, шунингдек:</p> <p>- уларнинг расмий мавқеи ёки вазифаларини бажариши муносабати билан ҳар қандай моддий бойликлар ёки бошқа фойда олиш тўғрисида хабар беришнинг белгиланган тартиби ўрнатилган;</p> <p>- коррупция жиноятларини содир этишга жалб қилинганда ушбу ҳолат бўйича раҳбарни хабардор қилиш мажбуриятлари;</p> <p>- ўз вазифаларини бажаришда шахсий манфаатдорлик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида бевосита раҳбарини хабардор қилиш мажбуриятлари;</p> <p>- коррупцияга қарши курашиш мақсадида таъқиқлар, мажбуриятлар ва бошқа чекловларни белгилаш;</p> <p>- белгиланган таъқиқлар ва чекловлар бузилган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилишини таъминлаш.</p> <p>Ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	ҳар чоракда	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p> <p>Кадрлар бошқармаси (Г.Каримова)</p> <p>Одоб-ахлоқ комиссияси</p>
		доимий	

Ш. Идоралар фаолияти очиклигини таъминлаш ва фуқаролик жамияти билан алоқаларни мустахкамлаш

16.	<p>Кўмитанинг расмий сайтыда “Коррупцияга қарши кураш” бўлимини яратиш ва қуйидаги маълумотлар билан доимий тўлдириб бориш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - коррупцияга қарши кураш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари; - коррупцияга қарши кураш тадбирлари ҳақидаги ҳисоботлар ва маълумотлар; - Кўмитада коррупцияга қарши кураш сиёсати; - коррупция тўғрисида ижтимоий ва илмий тадқиқотларнинг натижалари ҳамда жамият фикрини ўрганиб бориш; - коррупцияга қарши кураш экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаси нагизчалари; - сўров, услубий ва ахборот материаллари; - коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган тадбирларни муҳокама қилиш учун жамият билан ўзаро алоқа механизмларини яратиш. 	доимий	<p>Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими (А.Рахимов)</p> <p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p> <p>Мағбуот хизмати (Л.Рахманбаева)</p>
17.	<p>ОАВда жойлаштирилган идора ходимларининг коррупцияга оид ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар мониторингини ўтказиш.</p>	доимий	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>
18.	<p>Кўмита қошидаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва унинг аъзоларини коррупцияга қарши ишларга жалб қилинишини таъминлаш, шунингдек:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамоатчилик кенгаши йиғилишларида Кўмитанинг коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга оширилган ишларини кўриб чиқиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар; - жамоатчилик кенгаши вакилларининг одоб-ахлоқ қоидалари бўйича комиссия йиғилишларида қатнашиш. 	доимий	<p>Жамоат ташкилотлари ва чет элдаги диаспоралар билан ишлаш бошқармаси (У.Саидов)</p> <p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>
19.	<p>Кўмита билан оммавий ахборот воситалари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни</p>	доимий	<p>Юридик бошқарма (Д.Хошимова)</p>

	ёритиш мақсадида ҳамкорликни таъминлаш (бир ойда камида бир марта ОАВда чиқиш қилиш)		Матбуот хизмати (Л.Рахманбаева)
20.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида фуқаролик жамиятлари институтларини кенг жалб қилишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш.	доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова) Жамоат ташкилотлари ва чет элдаги диаспоралар билан ишлаш бошқармаси (У.Саидов)
21.	Коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш соҳасида давлат органларининг нодавлат-нотажораг ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова) Жамоат ташкилотлари ва чет элдаги диаспоралар билан ишлаш бошқармаси (У.Саидов)
IV. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш			
22.	Коррупция хавфини таҳлил қилиш асосида кенг жамоатчиликни хабардор этиш ва маърифатини юксалтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш (аудио, видео, баннер, плакатлар ва инновацион реклама материаллари орқали)	доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова)
23.	Фуқаролар томонидан коррупциянинг олдини олиш ва ходимларнинг коррупцион ҳагги-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида, идоралар ва унга бўйсунувчи муассасаларда бино ва иншоотларга ахборот стендлари, ижтимоий реклама плакатларини жойлаштириш.	доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова) Худудий департамент ва бошқармалар
24.	Коррупцияга қарши курашиш тизими ва механизмлари (ўқув машғулотларини ўтказиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш) бўйича индивидуал мақсадли гуруҳларнинг (тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти ва бошқалар) ҳуқуқий билимларини хабардорлигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова) Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш ва хизматларни монетизациялашни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Гаезев)

25.	Олий таълим ўқув дастурларига махсус ўқитиш курсларини киритиш, коррупцияга қарши курашиш дастурларини барча таълим муассасалари, шунингдек, касбий тайёргарлик ва малака ошириш муассасаларида жорий этиш.	доимий	
26.	9 декабрь “Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган коррупцияга қарши курашиш тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш.	2019 йил декабрь	Юридик бошқарма (Д.Хошимова)
V. Мониторинг ва тадқиқот ишларини ташкил қилиш			
27.	Коррупцияга қарши курашиш, шунингдек, коррупция ҳолати, унинг тавсифи, кўлами, ўсиши ва йўналишлари соҳасида илмий ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш.	доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова)
28.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тадқиқот ишларини ташкил қилиш, шунингдек: - коррупцияга оид жиноятларни содир этилиш тавсифларини ўрганиш асосида коррупциянинг типологиясини яратиш; - коррупция хавфи мавжуд бўлган соҳаларни аниқлашга асосланган, соҳалар кесимида коррупцияга оид хариталарни яратиш.	хар йили	Юридик бошқарма (Д.Хошимова)
29.	Мақсадли гуруҳлар орасида коррупция омиллари бўйича ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан: - коррупцияга қарши курашиш ишларини баҳолашда Кўмитанинг расмий сайтыда фуқаролар онлайн сўровини ташкил этиш; - давлат хизматлари кўрсатишнинг тўлиқлиги, сифати ва давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг сифати билан боғлиқ маълумотларни олиш учун хизмат фойдаланувчилари орасида сўров ўтказиш, шу жумладан, онлайн сўровномада Кўмитанинг веб-сайтидан фойдаланиш; - коррупцияга қарши курашиш доирасида олинган натижалар ёрдамида профилактик чора-тадбирларни ишлаб	хар ярим йилда доимий	Юридик бошқарма (Д.Хошимова) Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими (А.Рахимов)

	чиқиш.		
30.	Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, бу соҳада ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш.	ҳар ярим йилда	Юридик бошқарма (Д.Хошимова)
31.	Идораларнинг коррупцияга қарши курашиш дастурининг бажарилишини мониторинг қилиш, унинг бажарилиши бўйича маълумотнома тайёрлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига тақдим этиш.	ҳар чорақда	Юридик бошқарма (Д.Хошимова)